

ЗООФРАЗЕМАЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАҲЛИЛ  
УСУЛЛАРИ**Омадjon Азамов Бурхонович***Андижон давлат чет тиллари институти,  
Немис тили назарияси ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада илк зоонимик тадқиқодлар борасида фикрлар баён этилиб, оврупа ва ўзбек тилишунослигида зоонимларни ўрганиш давлари, тадқиқот усуллари ва таҳлил натижаларига доир фикрлар баён этилган. Бундан ташқари зооним компонентли фразеологик ибораларни таснифлаш тамойиллари борасида ҳам тилишуносларнинг фикрлари баён этилган.*

**Калит сўзлар:** *зооним, зоокомпонент, семантика, идиомативлик, лексика, бош компонент, тасниф.*

PRINCIPLES AND METHODS OF ANALYSIS OF THE STUDY OF  
ZOO-PHRAZEMES**Azamov Omadjon Burxonovich***Andijan State Institute of Foreign Languages, teacher of the Department of Theory and Practice of the German Language*

**Abstract:** *This article presents ideas about the first zoonymic studies, presents the period of study of zoonyms in European and Uzbek linguistics, research methods and analysis results. In addition, the opinions of linguists on the principles of classifying phraseological expressions with a zoonym component were also presented.*

**Key words:** *zoonym, zoocomponent, semantics, idiom, vocabulary, main component, classification.*

## ПРИНЦИПЫ И МЕТОДЫ АНАЛИЗА ИЗУЧЕНИЯ ЗООФРАЗЕМ

**Азамов Омадjon Бурхонович***Андижанский государственный институт иностранных языков, преподаватель кафедры теории и практики немецкого языка*

**Аннотация:** *В данной статье представлены представления о первых зоонимических исследованиях, представлен период изучения зоонимов в европейском и узбекском языкознании, методы исследования и результаты анализа. Кроме того, были представлены мнения лингвистов о принципах классификации фразеологических выражений с зоонимическим компонентом.*

**Ключевые слова:** *зооним, зоокомпонент, семантика, фразеологизм, лексика, главный компонент, классификация.*

**КИРИШ**

20- асрнинг охирига келиб тишунослик фани тобора қулоч ёзиб, фразеологик тадқиқотлар замонавий тилшуносликда алоҳида ўринга эга бўлди. Фразеология соҳасида янги- янги тадқиқот йўналишлари пайдо бўлди. Эндиликда иборалар компонент таҳлил қилиниб, ибора таркибидаги асосий компонент морфологик хусусиятига кўра ўрганилмоқда. Морфологик таҳлилга кўра зооним компонентли ФБлар, соматик компонентли ФБлар, ранг компонентли ФБлар ва сон компонентли ФБлар каби кўплаб иборалар концептуал таҳлил қилинмоқда. Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида зооним компонентли ФБларни таснифлаш тамойиллари ва таҳлил усулларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

“Зооним” атамаси Ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилишича юнон тилидаги “зооп”- ҳайвон, жонивор ва “опума”- ном, исм сўзларидан пайдо бўлган ва ҳайвон номлари билан боғлиқ сўзлар, деб изоҳланган[9,159].

Рус олимлари Н.В. Николаева ва В.И. Сергеевлар ҳам зоонимлар устида турли лингвистик тадқиқотлар олиб борган. Улар “зооним” терминига уй ва ёввойи ҳайвон номлари деб изоҳ беришган ва зоонимларни анималионлар деб ҳам аташаган[10, 285]. Чуваш олими Ю. Н. Исаев ўзининг илмий мақоласида зоонимларни ёввойи ва уй ҳайвонлари, парандалар, балиқлар ва бошқа турлар номларини ифодаловчи сўзлар деб изоҳ берган, шу билан бирга уларни илмий адабиётларда анималионлар ёки анимализмлар деб ҳам аталишини келтириб ўтган. Бундан ташқари у зоонимларнинг лексик маънодаги зоологик атамаси “зоосемизмлар” ва инсон характерини ифодаловчи кўчма маънодаги атамаси “зооморфизмлар” деб номланишини ҳам айтиб ўтган[11, 284].

Ўзбекистонда ҳам қатор тилшунос олимлар соҳада салмоқли тадқиқот ишлари олиб борган. Ўзбек олимаси профессор Ш.С. Имяминова ҳам фразеологизмларни қиёсий тадқиқ қиларкан зоонимларни жонивор номлари ва анимализмлар деб юритган[12, 3-4].

Зоонимларга доир тадқиқотлар жуда узоқ тарихга эга, илмий зоологик тадқиқотларнинг илк вакили эразмиздан олдинги 384- 322 йилларда яшаб ўтган қадимги юнон олими Аристотель ҳисобланади. Жумладан у ҳайвонот оламининг 454 турини тасвирлаган ва биринчилардан бўлиб уларнинг систематикасини яратишга уринган. Зоонимларни замонавий илмий таснифлаш жараёнини атоқли швед табиатшунос олими Карл Линей (1707-1778) бошлаб берди. У ҳар бир турни икки латин сўзи билан номлашни таклиф қилди. Биринчи ном- жонзоднинг табиий хусусиятига кўра, иккинчиси- турга оид номлаш. Масалан: кўрқоқ қуён ва оврупа қуёни.

Таъкидлаш лозимки, ҳайвонот дунёси терминлари азал- азалдан туркий[4, 85] тилларда ҳам кўплаб тадқиқотлар марказида бўлган. Сигир, от, қўй, эчки, мол, эшак каби сўзлар К.М. Мусаевнинг “Туркий тиллар лексикасининг қиёсий ёритилиши” номли китобида этимологик ва семантик планда атрофлича таҳлил этилган[6, 63].

Ўзбек тилшунос олими профессор Б.Бафъоевнинг гувоҳлик беришича, буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида ҳайвонот дунёсига оид 337 термин ишлатилган. Улардан 76 таси ҳайвон номлари, 71 таси чорва моллари ва чорвачилик соҳасига оид сўзлар, 97 таси паранда номлари, 9 таси судралиб юрувчилар номлари, 48 таси ёввойи ва йиртқич ҳайвон номлари, 41 таси майда трик организмлар номлари, 7 таси сувда яшовчи жонзодлар номи, 12 таси афсонавий- мифологик жониворлар номларидир[2, 50].

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 17- 18 аср шарқ олимлари ҳам ҳайвонот олами илми билан шуғулланган, улардан бири Муҳаммад Чинггидир. У 1659-1707 йилларда лексикографик характерда ёзилган “Келурнома” асарининг муаллиф бўлиб, айнан шу даврда Ҳиндистон Муҳаммадшоҳ Оламгир Абдулмузаффар Муҳиддин ҳукумронлиги остида эди. Китоб ўз характерига кўра чиғатой- форс тиллари идеографик луғати ҳисобланади, шу билан бирга XV боб ва 343 фаслдан иборат бўлган. Муҳаммад Чинггидир китобининг IX бобини тилнинг замонавий лексикасини ўрганишга бағишлаган. Бу лексикани у 9 та тематик гуруҳга бўлган. 3- ва 4- гуруҳларда отлар ва уларга тегишли унсурлар, шу билан бирга паранда номлари, уларга боғлиқ сўзлар таҳлил қилинган. Зоонимлар ўрта асрлар шарқ алломаларидан бири Замахшарий (1074-1144) асарларида ҳам учрайди[3, 86]. 20- аср охирига келиб бу соҳада кенг қамровли таҳлиллар бошланди. Эндиликда жонзодлар номлари ва уларга хос хатти-ҳаракатларни ифодаловчи лексик бирликлар (зоонимлар) теран илмий тадқиқотларни талаб этди. Зоонимик лексик бирликлар концептуал- семантик таҳлил қилиниб, уларнинг коннотатив ва денотатив маънолари алоҳида ўрганилди. Жумладан рус тилшунос олими А.М. Щербак 1961 йилда яратган асарида туркий тиллар лексикасининг тарихий ривожланиш тамойилларига эътибор бериб, туркий тиллар лексикасида хонаки ва ёввойи ҳайвон номларини тадқиқ қилган[13, 173].

Зоонимлар 70- йиллардан бошлаб Чуваш тилшунослари тадқиқотларининг ҳам диққат марказида турган. Жумладан Корнилов Г.Е., Лебедева Е.А., Николаева Н.В., Сергеев В.И., Игнатъев Н.Г., Павлов И.П., Исаев Ю.Н. каби чуваш тилшунослари алоҳида ҳайвон номларини рус, инглиз ва немис тилларига нисбатан қиёсий таҳлил қилишган ва қиёсланаётган тиллар асосида зоонимик лексик паралелларни аниқлашга ҳаракат қилган.

Зоонимик тадқиқотлар ўзбек тили материаллари мисолида ҳам аллақачон бошланган. Тожик тилшунос олимаси К.И. Джабарова зоонимларни рус ва ўзбек тили, ҳамда тожик ва ўзбек тили мисолида ўрганган[7, 158-168]. Олима номзодлик диссертациясида ҳам айнан шу мавзунини чоғиштирма ўрганган. Бундан ташқари З. У. Абдуалиева ҳам зоонимларни рус ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштирма таҳлил қилган ва улар иштирокидаги ФБ ларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган[5, 224-229]. 21- асрнинг кириб келиши билан бир қаторда зоонимик тадқиқотлар тарихида ҳам янги босқич бошланди. Эндиликда фақат зоонимлар метафоризацияси жараёнигина эмас, балки уларнинг лингво- културологик ва миллий маданий спецификаси тадқиқ қилина бошланди, жумладан рус, инглиз ва бошқа миллий

тиллар мисолида Киприянова А.И., Леви- Стросс К., Миронюк Л.Ф., Морковкин В.В., Подольская Н.В., Литвин А.В., Бурвинова Н.Д., Брагина А.А., Гюмюянц К. Ш., Куражова И.В., Игнатъев Н.Г., Павлов И.П., Карманова Ю.А., Корнилов Г.Е. , Лебедева Е.А., Огданова Ц.Ц. , Сергеев В.Н., Головин Б.Н. каби олимлар қиёсий-чоғиштира тадқиқотлар олиб борган бўлса, Захарова М.А., Солнцева Н.В., Галимова О.В., Инчина Ю.А., Кацитадзе Э.А., Гафарова К.Т. каби тилшунослар немис тили мисолида алоҳида, ҳамда рус, инглиз ва немис тиллари материаллари асосида чоғиштира тадқиқотлар олиб борган.

### НАТИЖАЛАР

Таҳлил қилинган илмий адабиётлар шуни кўрсатадики, инсоният дунёси азалдан ҳайвонот олами билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Жонзодлар олами, уларнинг номлари, ҳатти- ҳаракатлари ва ҳаттоки товушлари инсонларда тақлид қилинган. Шу асосда улар инсон истимолидаги лексикага кириб, улар замирида турғун иборалар шакланган ва инсонларнинг у ёки бу ижобий ҳамда салбий характерини эмоционал-экспрессив ифодалаб келган. Бундай ибораларни тилшунос олимлар турлича атамалар билан номлаган. Жумладан, рус тилшунос олимаси Л.Н. Гишкаева жонзодлар номи иштирок этган ФБларни “зоонимли ФБлар” деб номлади ва уларга турли структурали моделларга эга бўлган таркибида зооним компонент мавжуд тилнинг турғун бирликлари деб тариф берди. Рус тилшунос олими Н.А. Скитинанинг рус, инглиз ва немис тиллари материаллари асосида бажарган номзодлик ишида ҳам бундай лексик бирликларни “зоонимли ФБлар” деб юритган. Булар қаторида О.В. Галимова, Е.В.Терешко, Д.В. Юрченко, Қ.Т. Гафарова, М.М. Шарипова ва бошқа олимларни киритиш мумкин.

Сохада қилинган илмий тадқиқотлар, жумладан номзодлик ва докторлик диссертацияларини кўриб чиқиш мобайнида яна шу нарса аниқ бўлдики, айрим олимлар ҳайвон номлари ва уларга хос лексик бирликлар асосида шакланган турғун ибораларни “зооним компонентли ФБлар” номи билан ҳам юритган. Бундай олимлар қаторига Е.С. Яковлева (Белгород 2019), Н.А. Киндря (Москва 2005), П.Г. Мусаева, Е.Р. Малафеева, И.В. Беляева, Д.А. Тишкина (Казань 2008), М.О. Махмудов (Махачкала 2016), А.А. Гимадеева, Ю.А. Инчина, И. Холманских, Е.В.Терешко (Москва 2019) каби олимларни киритиш мумкин. Бундан ташқари зоонимик ФБ лар масаласи Д. Раджабованинг тадқиқот ишларида ҳам кўрилган[7, 89]. У зооним компонентли ФБ лар орасидаги семантик муносабатларни инглиз тили мисолида таҳлил қилиш баробарида зооним компонентли ФБ ларни таркибига кўра, 1. бир сўз шаклидаги зоонимлар, 2. қўшма сўз типидagi зоонимлар ва 3. таркибли сўз бирикмаси типидagi зоонимларга бўлишни таклиф қилган. Мазкур муаллифлар тадқиқот жараёнида ибораларни зоонимик компонентли фразеологик иборалар номи билан тилга олган.

### МУҲОКАМА

Кўриб чиқилган материаллар таҳлилий муҳокамаси ўлароқ таъкидлаш мумкинки, гарчи зооним компонентли ФБ лар муаллифлар томонидан турли хил

номлар (зоонимли ФБлар, зооним компонентли ФБлар, фразеологик зоонимлар, зоонимик ФБ, анималистик компонентли ФБ, зоосемик ФБ, зоофразеологик бирликлар) билан юритилган бўлса ҳам улар бир мақсадни кўзлаганлиги аниқланди. Унга кўра таркибидаги компонентлардан камида бири ҳайвонлар номи ёки уларга хос лексик бирликлар асосида шаклланган ФБ лар зооним компонентли ФБ лар деб аталади. Бу турдаги иборалар инсониятнинг жонзотлар ҳуқ- атвори ва ташқи кўриниши устидаги узоқ кузутувлари натижасида шаклланган. Зоофразеологик бирликлар замирида таркибида зоонимлар ёки уларнинг образли- генетик элементлари мавжуд бўлган, нисбатан аниқ белгиланган семантик ва тематик жихатдан барқарор тил тузилмалари тушунилади[17, 160-161].

### ХУЛОСА

Фикримизнинг хулосаси ўлароқ айтиш мумкинки, зооним компонентли ФБ лар борасидаги илк илмий тадқиқотлар бошланиш даври 21- аср бошларига тўғри келади. Турли славян, герман ва туркий тил материаллари асосида қилинган тадқиқот ишларида ҳайвонлар номи иштирок этган ФБ лар структурал- семантик, морфологик- синтактик ва этномаданий- функционал хусусиятларига кўра таҳлил қилинган. Кўрилган номзодлик диссертациялари ва илмий мақолалар шуни кўрсатадики, зоонимлар илк бор турли- хил жонзодларни номлаш мақсадида, кейинчалик зоологик термин сифатида ва сўнгра уларнинг фразеологизмлар тақибиде иштирок этиши билан зооним компонентли фразеологик бирлик сифатида ўрганилган.

Гарчи зоокомпонентли ФБ лар кўплаб тиллар материаллари мисолида қиёсий ва чоғиштира ўрганилган бўлса ҳам, соҳада яна талайгина тадқиқот объектлари мавжуд, ибораларнинг лингво- культурологик аспекти хали тўла ўрганилмаган. Бундан ташқари ФБ ларнинг таржима масаласи, эквивалентлик даражалари шундай улкан тадқиқотлар майдоники, улар ҳамон кўплаб тадқиқотчи олимларни кутиб қолмоқда.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А. Ибрагимова. Исследование «Келурноме» Мухаммеда Якуба Чингия, АКД. - Ташкент,
2. Б. Бафоев. Лексика произведений Алишера Навои. АКД. -Ташкент,1989
3. Гюмюянц К. Ш. Образное употребление названий животных в сравнениях и метафорах. \ \ Вопрос фразеологии. Вып.IV.Самарканд, 1971.
4. З.У. Абдуалиева. Эквонимические отношения зоонима с общим значением «баран/овца» в плане функционально-семантической микросистемы. 10 02 20 Сравнительно- историческое, типологическое и сопоставительное языкознание удк 4. ббк 80. Таджикистан, Худжанд 2018.
5. З.У. Абдуалиева. Эквонимические отношения зоонима с общим значением «баран/овца» в плане функционально-семантической микросистемы. 10 02 20

Сравнительно- историческое, типологическое и сопоставительное языкознание удк 4. ббк 80. Таджикистан, Худжанд 2018.

6. К.М. Мусаев Лексика тюркских языков в сравнительном освещении. -М., 1975.

7. К.И. Джабарова. Логико-реляционные основы классификации гетерогенных систем зоонимов в таджикско-узбекском ареале сопоставления. НОМАИ ДОНИШГОЇ УЧЁНЫЕ ЗАПИСКИ SCIENTIFIC NOTES №3(48) Душанбе- 2016.

8. Кацитадзе Э.А. Метафоризация зоонимов в немецком языке: автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Тбилиси, 1985.

9. Ўзбек тилининг изохли луғати. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. Тахрир хайати: Э. Бегматов, А. Мадалиева, Н. Маҳкамов, Т. Мирзаев, Н. Тухлиев, Э. Умаров, Д. Худойберганова, А. Хожиев. А. Мадвалиев тахрири остида.

10. Н.В. Николаева, В.И. Сергеев Характеристика человека зоонимами в паремиях, фразеологизмах и сравнениях разносистемных языков. Вестник Чувашского университета. 2017. №2 УДК81'373. ББК Ш10\*.

11. Ю.Н. Исаев. Краткий обзор исследований зоонимов. Вестник Чувашского университета. 2018. №4 ДК811.512.111'373.2 ББК Ш12=635.1\*316\*008.5.

12. Шухратхон Имяминова. Жонзотлар оламининг фразеологик тасвири. “XXI аср тилшунослиги ва таржимашунослигининг долзарб муаммолари: назария, амалиёт, инновация” конференция материаллари. Тошкент- 2020.

13. Щербак А.М. Название домашних и диких животных в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. -М., 1961.

14. З.У. Абдуалиева, Особенности зоонимических фразеологических иниц (зфе) русского и узбекского языков. Вестник ТГУПБП. 224- 229 б.

15. Г.Э. Ҳақимова фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик аспекти. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети. Тошкент - 2018.